

ОРОЛБЎЙИ ЭКОЛОГИК ХОЛАТИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА ФИТОМЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

**Назаров Х. Т., Хайитбаев А. И., Каримов Ю. Т., Бозорова Д. Н.
Самарқанд Давлат Университети**

Марказий Осиё мамалакатларини ташвишлантириб келаётган минтақавий экологик муаммоларидан бири бу - Орол денгизи сув сатҳининг пасайиши оқибатида юзага келган экологик танг ҳолатдир. Орол муаммосининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

Оролбўйи ҳудуди ўзининг хилма-хил флора ва фаунасига эга бўлган ўзига хос экосистема эди. Орол денгизи ва Оролбўйида 1960-йиллар маълумоти бўйича 38 турдаги балиқ ва камёб ҳайвонлар мавжуд бўлган. Жумладан жайронлар 1 миллион бошгача етиб, ўсимликларни 638 тури мавжуд бўлиб, ўзига хос экосистемани ташкил этган. Хозирги кунга келиб эса кўл ҳавзасида учрайдиган эндемик балиқ турларининг бирортаси сақланиб қолмаган. Тўқайзорлар майдони шўрланишнинг кучайиши ҳисобига деярли ярим баробарга қисқариб кетган бўлиб, бу ўсимликлар биохилма-хиллигини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Натижада тўқай ландшафтлари учун хос бўлган ҳайвонот дунёси учун ҳудуд ва озуқа муаммоси юзага келиб, озукланиш занжирида узилишлар вужудга келиб, уларнинг ҳам турлари камайиб бормоқда.

Орол денгизининг қуриган қисмидан Мўйноқ шаҳри ва унинг атрофидаги ҳар бир гектар майдонга 1000 кг гача ҳар хил тузларнинг учиб келиши кузатилмоқда. Бу ҳолат эса қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланиши ва тупроқ ҳолатини ёмонлишуви оқибатида ҳосилдорликни пасайиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни камайиб кетишига олиб келди.

Экологик муаммоларни кескинлашуви ижтимоий-экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Ҳудудда истиқомат қилувчи қарийиб 5 млн аҳоли орасида бошқа ҳудудларга нисбатан ҳар хил туз тўпланиши билан боғлиқ бўлган

касалликлар икки марта кўпроқ учрайди. Бунинг сабабларидан бири аҳолининг асосий қисми истеъмол қилаётган ер ости сувларининг минераллашганлик даражасининг 5-6 промиллегача, баъзи ҳудудларда эса 10 промиллегача кўтарилганлигидир.

Мўйноқ шаҳрининг Орол денгизи билан боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқлари, хусусан қамиш-селлюлоза заводи, Мўйноқ консерва заводи бутунлай ўз фаолиятини тўхтатган. Экологик шароитнинг ёмонлашиши ва меҳнат ресурслари учун иш ўринларининг қисқариши натижасида эмиграция даражаси ортиб бормоқда.

Оролбўйидаги экологик ҳолатни кескинлашиши сабабли оғирлаштираётган энг долзарб муаммо бу кўлнинг чекинган ҳудудларидан кўтарилаётган ҳар хил чанг ва тузларни атмосферага кўтарилиши ва атрофга тарқалишидир. Шимол ва шимоли-шарқдан эсувчи доимий шамоллар натижасида 20-25м/с тезликда чанг ва тузлардан иборат шамоллар тез-тез такрорланиб туради.

Орол денгизи қуриган қисмидан ҳар хил чанг ва тузлар кўтарилишининг олдини олиш учун фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш, яни полосали ўсимликлар плантацияларини яратиш таклиф қилинади. Бу жараён бир неча босқичли фитомелиоратив чора-тадбирлар ва гидротехник иншоотларни барпо этишни ўз ичига олади.

Биринчи босқич фитомелиоратив чора-тадбирлар Орол денгизининг қуриган қисмида ёй шаклидаги шўрхок-чўл ўсимликлари (шўра, шувок, шўр ажриқ) полосаси, иккинчи босқичда эса дарахт-бута (қора саксовул, жузғун, қуёнсуяк) ўсимликлар полосаси, учинчи босқичда эса ер ости сувлари сатҳини пасайтиришга ёрдам берувчи жийда, тўрангил, тол каби дарахтлар полосасидан ташкил топган агрофитосенот ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу ўсимлик полосаларини Судочье, Жалтирбас, Рибаче каби кўлларнинг шимолий қисми бўйлаб жойлаштириш уларни сув билан таъминлаш муаммосини ҳал қилади. Ушбу фитомелиоратив тадбирлар натижасида

Оролбўйи ҳудудида чорвачиликни, хусусан қорақўлчиликни ривожлантириш учун кенг озуқа заҳираси яратилади. Чунки, шўрхок-чўлларда ўсадиган шувок, шўра, шўр ажриқ каби ўсимликлар қорақўл қўйлари учун асосий озуқа вазифасини бажара олади.

Мўйноқ тумани ҳудудидаги аксарият шўрланган ҳудудларда агротехник чора-тадбирлар ўтказган ҳолда кунгабоқар, маккажўҳори, беда етиштиришни йўлга қўйиш ва кўпайтириш шўрланган ерлардан интенсив фойдаланиш имконини беради.

Қуйи Амударё минтақасидаги заҳкаш ва сизот сувларидан интенсив фойдаланган ҳолда, кичик сунъий қўлларни барпо этиш орқали маҳаллий микроиклим континенталлик даражасини пасайтириш лозим.

Юқорида кўриб чиқилган чора-тадбирларни изчил давом эттириш, уларнинг кўламини ошириш бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан бири бўлиб, ҳудудда экологик мувозанатга эришиш ва табиатни муҳофаза қилиш масаласига жиддий эътибор қаратиш орқали Оролбўйи ҳудудида экологик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш мумкин.